Ф. Джуманиязова

К вопросу управления тюрков в тохаристанских оазисных владениях в раннем средневековье

В данной статье рассмотрен вопрос управления тюрков в тохаристанских оазисных владениях в раннем средневековье. Использованы сведения из источников на разных языках по управлению тюрков тохаристанских оазисных владениях которые просуществовали более одного века на этой территории.

Ключевые слова: *управление тюрков, Тохаристан, оазисы, тюркские титулы, ябгуйство.*

F. Djumaniyazova

About governing of Turks in oasis possession in Tokharistan in early middle ages

In this article the author discusses the question of governing of Turks in oasis possession in Tokharistan in early middle ages. There are the facts in several languages about governing of Turks in oasis possession in Tokharistan, which existed more than one century in this territory.

Key words: *governing of Turks, Tokharistan, yabghus, oases, titles of Turks, yabghu state.*

М. Хатамова

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғат ат-турк” асарида шаҳар ва манзилгоҳларга доир айрим терминлар[1]

Туркий халқлар турмушини ўрганишда тарихий тилшунослик ва ономастиканинг ҳам ўз ўрни бор[2]. Чунки халқнинг тили қандайдир давр оралиғида бирданига шаклланиб қолмаганидек, бир вақтнинг ўзида унутилиб ҳам кетмайди. Бунинг устига, бирор халқда деҳқончилик,

[1] Мақола ФТРМҚнинг “Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларида шаҳар антропологияси (VI – VIII асрлар)” номли ёш олимлар амалий лойиҳаси (ЁА1-ФА-ГОО4) доирасида ёзилди.

[2] Шу ўринда муаллиф тарихий терминлар ва топонимлардан манба ўрнида фойдаланишни ўргатган шарқшунос олим ва устоз Ш.С. Камолиддинга ўз миннатдорчилигини билдиради.

боғдорчилик, ҳунармандчилик ёки шаҳарчилик маданияти бўлмаса, уни бошқа халқдан ўрганади ва у билан боғлиқ терминологияни ҳам ўша халқнинг ўзидан тўлиқ олиб қўя қолади. Аксинча, агар деҳқончилик, ҳунармандчилик каби машғулотлар билан мустақил шуғулланиб келган бўлса, улар билан боғлиқ терминлар ўша тил муҳитининг ўзидан шакллана боради.

Айрим олимлар туркий тиллардаги шаҳар ва қишлоқни англатувчи барча терминлар (*мас*., арабча *қалъа*, форсча *шаҳар*/*шаар* ёки *кёй*/*кўй*, русча *куорат*/*город*, мўғулча *овул*/*аул* каби)нинг бошқа тиллардан ўзлашганини уқтиришади [7: 506]. Бироқ бунда қуйидаги бир қанча омиллар кўзда тутилмаган: 1) туркий халқларнинг ислом динига ўтиши билан уларнинг тилига араб ва форс тилларининг кучли таъсири; 2) туркий халқларнинг кўпчилиги эроний халқлар билан ёнма-ён яшаб келганидан уларнинг айримларида икки тиллилик шаклланган; 3) келтирилган терминлар фақат бугунги кунни кўрсатиб, ўтмишда эски турк тилида “шаҳар”ни англатувчи ва шаҳарчиликка доир кўплаб соф терминлар бўлгани, бироқ уларнинг кўпчилиги кейинчалик янги ўзлашган терминлар туфайли оғзаки тилда қўлланилмай, архаизмга айлангани [34: 438; 15: 87]. Аслида фақат турк ва уйғур битиктошларининг ўзида “турар-жой”, “шаҳар”, “манзил”, “қўрғон”, “чодир” учун *balnɛ, uluє, eb, barq, qarɣu, karaku, qorɣan, ordu, orgin, turɣaq, uit, yurt* каби атамалар сақланиб қолган [50: 240–243]. Қуйида шу каби шаҳар ва манзилгоҳларга оид атамалар ёритилган ёзма манбалар ва луғатлар таҳлилга тортилади.

Умуман, туркийларнинг шаҳар маданиятини тилшунослик томонлама очиб бериш анчадан бери олимларни қизиқтириб келади [36; 46; 41; 49; 44]. Айниқса, туркийларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги терминологиясининг қиёсий-тарихий таҳлили Э. Р. Тенишев бошчилигидаги россиялик тилшуносларнинг салмоқли ишида очиб берилган [33; 34]. Шунингдек, шарқшунос Ш.С. Камолиддин ўзининг бир қатор ишларида, хусусан, “Ўрта Осиёнинг ўтроқ турклари маданияти” номли рисоласида эски турк шаҳарчилигини уларнинг сўз бойлиги ёрдамида анчайин кенг ёритиб берган [10; 11; 12].

Эскидан турк тилининг бошқа қўшни халқлар тилларидаги луғатлари яратилиб келинган. Бунга туркча-хитойча луғат (VII аср), Ҳаким ат-Термизийнинг “Иршод ат-толибин” (IX аср), Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” (XII аср) номли арабча-форсча-туркча луғатлари, шунингдек, Абу Ҳаййоннинг “Китоб ал-идрок ли-лисон ал-атрок”, Ибн Муханна луғати, Қипчоқ тили луғати кабиларни киритиш мумкин. Ана шундай туркча-арабча луғатлардан бири, илк тарихий тилшунослик

асосчиларидан бўлмиш Маҳмуд Кошғарийнинг (чамаси 1028-1030–1126) “Девон луғат ат-турк” (“Туркий сўзлар девони”) асаридир.

Луғат 1072–1074 йиллар орасида араб тилида ёзилиб, 1075 йили Аббосийлар халифаси Абулқосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муқтадога совға қилинган. Асарнинг бизгача етиб келган бирдан-бир нусхаси дамашқлик котиб Муҳаммад ибн Абу Бакр Абулфатҳ томонидан 1266 йилда кўчирилган бўлиб, бугун Истанбул кутубхонасида сақланади. Муаллифнинг бундан бошқа “Жавоҳир ан-наҳв фи луғат ат-турки” (Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) қоидалари) номли асари ҳам бўлиб, афсуски, у бизгача етиб келмаган.

Маҳмуд Кошғарий ўз она тилисидан “адабий ёдгорлик қолсин”, деб бир луғат яратиш йўлида кўп йиллар юртма-юрт кезиб, “Девон” учун маълумот тўплайди. Бу ҳақда муаллиф шундай ёзган: *“Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим”* [23: 44].

Шунинг учун “Девон луғат ат-турк” туркий тилларнинг биринчи қиёсий грамматикаси, Кошғарий эса умумтилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири саналади. Қолаверса, ўз асарига дунё харитасини қўшимча қилган муаллиф кўплаб географик, этнографик қайдларни ҳам ёзиб қолдиргани учун асарга бўлган қизиқиш бугунгача камайгани йўқ[1].

Маҳмуд Кошғарий ўз “Девон”ида элликдан ортиқ шаҳар номларини келтирган. Шуниси қизиққи, тилшунос битта шаҳарнинг бир неча хил номланишини берган. Масалан, *Талас* – Тироз, Тароз, Улуғ Талас ва Кэми Талас; *Кошғар* – Ўрду ва Ўрду-канд; *Боласоғун* – Қуз Ўрду ва Қуз Улуш. Бу даврда битта шаҳарни бир нечта тилда номлаш (тўғрироғи, аслига яқинроқ ўгириш/калька) удуми кенг тарқалган эди. Биргина *Сарйам*/*Сайрам* шаҳри тўғрисида Кошғарий *“Сайрам “Оқ шаҳар” ҳам деб аталадиган, Испижоб деб ҳам аталадиган шаҳар номи. Бу сўзнинг Сарйам шакли ҳам бор”*, деб ёзиб қолдирган бўлса, яна бошқа жойда муаллиф *“Сайрам – сайрам сув – тўпиқдан паст оқадиган оз сув. Сув сайрамланди – сув озайди*, [24: 223] деб тушунтириш берган. Чиндан-да, шаҳар номи суғдча *‘sp’yt* – “оқ”, *-c* эгалик суффикси ва *’’ph* – “сув” сўзларидан ясалган бўлиб, туркийча *Сарйам*/*Сайрам* – “Сийрак сув” ёки “Оқ сув” деб юритилган [4: 5–7; 19: 55, 147, 240–241]. Ёки Беш-балиқнинг аҳолиси кўпроқ туркийлар, суғдийлар ва

[1] “Девон”нинг ўрганилиши билан боғлиқ масалалар тўғрисида *қаранг*: [22: 8–12].

хитойликлар бўлгани учун шаҳар ўша даврда уч тилда: туркча *Беш-балиқ*, суғдча *Панчкат* ва хитойча *Бей-тин* деб номланган ҳамда учаласи ҳам “Беш шаҳар” маъносини англатган. Хитой роҳиби Чжан Сюан-цзан (618–630) Бешбалиқдаги будда ибодатхонасини Тўн ябғу-хоқон қурдиргани учун шаҳар *Ке-хан фу-ту-чен* – “Хоқон-ступа шаҳри” номи билан юритилганини эслатиб ўтган [40: 42, 45; 43: 120, 230, n. 10]. Тибет манбаларида эса *Шу-балиқ* (тибет. *Љи-ba-ba-leg*)[1] ва *Бақир-балиқ* (тибет. *Ba-ker-pa-lig;* сўзма-сўз. “Мис-шаҳар”) шаҳарлари Ғарбий турк хоқонлигининг пойтахти деб кўрсатилган [39: 145]. К. Цегледи Бақир-балиқ шаҳрини Шарқий Туркистондаги Беш-балиқ билан тенглаштирган [42: 211-216].

Ўз даврининг кўзга кўринган олимлари ҳам бу борада қизиқ фикрларни билдиришган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний *“Самарқанд – туркчаси эса Семизкенд, яъни “семиз, бўлиқ/унумдор” шаҳар маъносидадир”* деган бўлса [6: 576], Кошғарий ҳам *“Самарқандни катталиги учун Семизкенд – семиз шаҳар дейдлар. Буни форслар Самарқанд тарзида қўллайдилар”,* деб ёзиб қолдирган [23: 330]. Шунга ўхшаш Беклик – Семекна – Боласоғун шаҳрининг турк, суғд, мўғул тилларида, Беш-балиқ/Бақир-балиқ – Панжикент – Бейтин/Кехан-фу-ту эса турк, суғд ва хитой тилларида юритилгани ушбу шаҳарлар аҳолисининг бир нечта тилли бўлганини кўрсатади.

“Девон”да туркий шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ турли афсоналар ҳам келтирилган. Уларда Искандар Зулқарнайн, Сиёвуш, Шу хоқон, Афросиёб ва унинг ўғил-қизлари қурдирган шаҳарлар тўғрисида сўз боради. Хусусан, Кошғарий *қатун* терминини “Афросиёб қизларидан бўлганларнинг номи”, деб тушунтириб [23: 388], қуйидагиларни ёзади: *“Қаз – Афросиёб қизининг номи. Қазвин шаҳрини шу қургандир. Бу сўзнинг асли Қаз ўйини – ғоз ўйналадиган жой демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар Қазвинни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, Қум шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки Қум туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарлари чегараси Марваш – Шоҳижондан бошланишини сўзлайдилар... Қаз суви – Ила водийсига қуядиган катта бир денгиз. Афросиёбнинг қизи унинг қирғоғига бир шаҳар қургани ва бу ном унга нисбат берилганидандир”* [24: 163, 165]. Умуман, Афросиёб ва унинг ўғил-қизлари *Марв*, *Баржуқ*, *Барсған*, *Барман*, *Қаз*, *Қазвин*, *Қум* каби шаҳарларни

[1] Шу-балиқни Маҳмуд Кошғарий тилга олган Боласоғун яқинидаги Шу қўрғони билан бир деган қарашлар ҳам бор. Уни туркча *Чу-балиқ*, яъни “Чу (дарёси бўйидаги) шаҳар” деб ҳам тиклаш мумкин.

қурдирган бўлиб [24: 166, 379–380], улар кўпроқ Или водийсини ўз ичига олган.

Аслида эски турк тилида “шаҳар”ни англатувчи алоҳида атамалар ва шаҳарчиликка оид қатор сўзлар бўлган. Буни эски турк тилида шаҳарни англатувчи *balnq* ва ундан ясалган *Toғu-balnq, Beљ-balnq, Baj-balnq, Jan-balnq, Yaŋ-balnq, Ordu-balnq, Xan-balnq, Xвtып-balnq, Baqnr-balnq, Љы-balnq* каби ҳамда Шарқий Европа турклари фойдаланган *kerman* термини ва ундан ясалган *Man-kerman* (Киевнинг туркча номи)*, Puz-kerman* сингари шаҳар номлари ҳам кўрсатади [8: 80; 41: 335; 33: 485, 487; 34: 443–450]. Ҳатто, туркийларда “шаҳар бошқарувчиси, шаҳар бошлиғи, ҳокими” маъноларини англатувчи махсус *balnquy (belғnuy~balғnuy~balnquy)* термини ҳам бўлган [5: 40]. Эски туркларда *ordu* ёки *orda, toy, qoriғan, tura* ёки *turuг, qiљlaг, uliљ* каби “шаҳар”, “қишлоқ”, “қўрғон” ва “яширинадиган жой” маъноларидаги қатор терминлар бўлган [8: 370, 448, 458, 572, 587, 588, 611; 33: 485–486, 494–495, 569; 34: 451–453, 459, 473].

Биргина “Девон луғат ат-турк” асарида келтирилган туркий халқ ва қабилаларнинг тилида ишлатилган турар-жой, шаҳарчилик ва қурилиш билан боғлиқ терминларни қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Турар-жой ва бинолар: 1) *∂w* (уй); 2) *∂w barq* (уй-жой, ҳовли-жой); 3) *tortigul ∂w* (тўртбурчак уй), *t∂r ∂w* (тор уй), *ujuғluг ∂w* (тоқили уй); 4) *k∂r∂kь* (туркманларда “чодир” ва ўтроқларда “қишлик уй”); 5) *k∂r∂m* (ертўла); 6) *uit* (похол ёки тиканли шох-шаббадан қилинган чайла); 7) *satma* (дарахт устига тунда қоровуллаш учун қилинган токча); 8) *qarғu*/*qarғыy* (душман хавфидан сақланиш учун энг баланд ерга қурилган минора шаклидаги бино); 9) *tьrьғ* (тоғлардаги қалъа, турар-жой), *tьrьғliғ uzr* (турар-жой); 10) *ordu* (ўрду, хоқон саройи); 11) *toy* (аскарларнинг турар-жойи, ҳарбий лагер), *xan toy* (хоқон лагери); 12) *qarљi* (сарой); 13) *k∂bit* (ичкилик дўкони, майхона); 14) *taŋ*, *yurt* (баланд жойларда сақланиб қолган бино излари, девор таги, қўрғон белгиси); 15) *subuzғan* (ибодатхона).

***а) уй-жой қисмлари, конструкцияси*:** 1) *ыl* (девор ва уйлар пойдевори) 2) *tвm* (девор); 3) *arquq, ∂wљьk, oғilmuq, oq, suni* (тўсин, синч); 4) *basruq, qazŋuq, uiz* (тиргак, устун); 7) *baғna* (зинапоя); 8) *∂gm∂* (устун) 9) *tьŋlьk* (туйнук, дераза) 10) *tarus (шифт), kьtь (том), ∂nd∂k, ųrtm∂n (том), taғam* (том), *beukьm* (шип, навес) 11) *uap, suwa* (чапламоқ, сувамоқ) 12) *zl* (ҳовли, қўра); 13) *tųr, tųr∂* (уй тўри, тўр); 14) *msik* (уй остонаси); 15) *qapuг* (эшик); 16) *qapға* (дарвоза); 17) *s∂dr∂k* (эшик панжараси); 18) *yaŋaq* (эшик тамбаси); 19) *b∂ukьm* (даҳлиз, вестибюл); 20) *qalima* (тўрт устунли очиқ шийпон); 21) *aљliq* (ошхона); 22) *tawarluq* (омборхона, мол, мато турадиган жой); 23) *uотиљluq* (хожанхона); 25) *ьk∂klik tвm* (буржли девор); 26) *qarim* (хандақ); 27) *beltir* (чорраҳа); 28) *oram* (мавзе, кўча); 29) *bentaz, barq* (бино);

30) *seru* (уйда эшик устига қилинадиган раф, унга ҳар хил буюмлар қўйилади); 31) sekь (дўкон, устахона).

б) чодирлар ва унинг қисмлари: 1) ивtir, ивиir, отвг, dw, kā̄rdkь (чодир, ўтоғ); 2) albiu (олачуқ, катта чодир); 3) дуā̄gu, ыг (чодирнинг асоси, қовурғаси, ўтовнинг юқорисидаги увуқлари, ёғочлари); 4) *qurpвг, ariг* (чодир ипак боғичи); 5) *sapiг* (чодирнинг этак қисми); 6) *siruq* (чодирнинг устуни); 7) *uuvau*, *tolwir*, *mindatu* (гулдор қимматбаҳо, қуббали, шоҳона чодир, павильон); 8) *bagiь* (ўтовнинг боғичи, арқони); 9) *ejaku* (чодирнинг ён томони); 10) *sezrdk qapиг* (панжарали эшик, сурма эшик).

2. Шаҳар, қишлоқ ва манзилгоҳлар: 1) *kɔnd, kɔn, baliq, uluь* (шаҳар); 2) *kɔnd, uluь, qiьldг* (қишлоқ, қишланадиган жой); 3) *baliq, kɔnd* (қўрғон); 4) *ьkdk* (минора, шаҳар деворида уруш учун тайёрланган буржлар); 5) *ast* (кўча); 6) *kō̄k* (шаҳар чети, ташқариси); 7) *uзr* (ер, мамлакат, жой, шаҳар); 8) *tвр* (бошқа, чет мамлакат); 9) *зl* (вилоят, провинция).

3. Қурилиш хом-ашёси ва асбоблари: *tupraq* (тупроқ), *qum* (қум), *liju* (қум аралаш лой), *titik* (лой), *jiгau* (ёғоч), *taь* (тош), *qamiь* (қамиш), *saman* (сомон), *siг* (чий, бўйра), *kɔrpiu* (ғишт), *siriuга* (шиша), *urunak* (ганч), *sir, boduг* (сир, бўёқ), *ельiklik jiгau* (эшиклик ёғоч), *siruqliq jiгau* (устунлик ёғоч), *ukaklig jiгau* (сандиқлик ёғоч), *qobn* (қуруқ ёғоч), *uiг* (қамишдан ингичка ва юмшоқ бўлган новда; чорвадорлар ундан ўтов қуришда, ҳунармандлар эса ундан сават ва бошқа тўқима нарсаларни ясашда фойдаланади), *jiz* (кўчманчилар ўтов тепасини ёпишда фойдаланадилар), *uzundk* (ганч), *aqtaь* (оқтош, гипс), *siriuга* (шиша), *jartu* (пайраха), *kerki* (ўроқ-ранда, *рус*. кирка туркий тилдан ўзлашма), *sali* (андава), *turbiku* (ранда), *qundiгu* (силлиқлаш, пардозлаш асбоби), *qisгau* (қисғич, омбур), *baldu*/*baltu* (болта), *uɔkɔk* (болға, бугунги турк тилида *uekiu*), *basu* (тўқмоқ), *talгuq* (пона, мих), *кургак* (курак), *kuturku* (кўтарги, ғишт кўтарадиган асбоб), *jap* (қолип, андаза), *kip* (қолип), *kɔrpiu kipi* (ғишт қолипи), *sapliг* (соплик) ва б.

Тўғри, келтирилган терминларнинг айримлари бошқа тиллардан ўзлашган бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги соф туркий тилнинг ўзидан шаклланиб, халқ орасида кенг қўлланилган ва ҳатто, бошқа тилларга ҳам ўтган[1], у ёки бу кўринишда ҳам бугунгача сақланиб қолган. Қуйида фақат шаҳар ва манзилгоҳлар билан боғлиқ *baliq, kɔnd*/*kɔn, qorган*, *tura*, *toy* / *ton, uluь* каби терминларга кенгроқ тўхталинади.

Маҳмуд Кошғарий *balnг* терминини шундай тушунтирган: *“Жоҳилия давридаги (исломгача бўлган – М.Х.) туркlар ва уйғурлар тилида “шаҳар”. Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига Бешбалиқ дейилиши шундан.*

[1] Туркий тилдан рус тилига ўзлашган сўзлар бўйича кенгроқ *қаранг*: [25; 26; 38].

Бешбалиқ – “Беш шаҳар” демакдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига Янгибалиқ – “Янги шаҳар” дейдилар” [23: 360]. “Ёпишқоқ тупроқ, лой” маъносидаги *bal* сўзидан келиб чиққан *balnq* термини туркийларнинг биринчи ўрмонсиз очиқ ерлар – даштларда яшаганини билдиради [16: 33–35, 169–170]. С.П. Толстов эса *balnq*нинг *бал*/*бар* – “оқмайдиган ҳавза”, “балчиқли ҳавза” сўзларидан келиб чиққани ва бу туркларнинг эскидан балиқчилик билан шуғулланиб, кўл ва балчиқли ландшафт шароитида ўтроқ яшаганини кўрсатади, деб талқин қилган эди [36: 74]. Турк битиктошларида ҳам *balnqdaqn taљnqmpљ...* – “шаҳардагилар тоққа [чиқишди]...” жумласида *balnq* “шаҳар” маъносида, *...balnqqa basnqdn* – “балчиққа ботти” жумласида эса “лой, балчиқ” маъносида келган [50: 226]. *Balnq* сўзи ҳам эроний тилларидаги *–каив* сингари “тупроқ” > “тупроқ девор” > “тупроқ девор билан ўралган жой” = “шаҳар” шаклидаги семантик ривожланишни босиб ўтган [30: 59; 19: 108–109.]. Бу қарашга қўшилмаган айрим тилшунослар эса протоолтой тилида **pialVgV* ва прототуркча **bialik*, иккиси ҳам “мустаҳкамланган манзилгоҳ”ни билдирган, протомўғулча **balaga-sun* – “шаҳар, қўрғон”, протоностратик **p'alGa* – “мустаҳкамланган манзилгоҳ”ни англатган [30: 59].

Демак, *balnq* сўзининг ўзаги *bal* қурилишда ишлатилган хом-ашё – “тупроқ, балчиқ, лой” маъноларидан келиб чиққан. Бу термин хазарларда *baluq, baluг*, классик мўғул тилида эса *balғasun* деб юритилган [36: 72–74; 49: 97]. Лекин *balnq* термини Амударё – Сирдарё оралиғида ҳам тарқалган, ҳатто, у Турк хоқонлигигача ҳам муомалада бўлган кўринади. Хусусан, эфталитларнинг бошқарув марказларидан бири Қундуз шаҳри араб манбаларида *Валвалиж*, хитой йилномаларида *Ахуань* (Авар) деб тилга олиниб, олимлар уни **Аварбалиқ* шаклида тиклашган [47: 53–54, 68; 20: 241]. Илк ўрта асрларга оид суғдий ҳужжатларидаги *Almalyk* топоними **Олмалиқ* [32: 101; 19: 192] ёки **Al-balnq* (“Алвон шаҳар”), Чочдаги *Арбилах*/*Абрлиғ* шаҳри **Арпалиғ* (“Арпага бой жой”) ёки **Ar-balnq* (“Эр, кишилар шаҳри”) тарзида тикланган [2: 177]. Шарқий Туркистондаги *Кунғут* (*хит*. Гунъюэ), кейинроқ *Олмалиқ* (Ғулжа) деб аталган шаҳар **El-balnq* (“Эл шаҳри”) деб талқин қилинади [20**:** 99, 310]. Мўғуллар Пекин шаҳрини *Ilibalэq* (*Il+balnq* бўлиши керак) деб ҳам юритишгани [45: 12] туфайли юқоридаги иккала *Олмалиқ* топоними аслида “Эл-балиқ” бўлгани ҳақида хулоса қилиш мумкин. Тоғли Олтойда ўтган асрда ҳам *Йер-балиқ* ва *Ой-балиқ* топонимлари қайд қилинган [27: 181]. Бугунгача Тошкент воҳасида *Олмалиқ*, *Қорабалиқ* (“Қора/Улуғ шаҳар”), *Оқбалиқ,* Фарғона водийсида *Бўрбалиқ* (*Бўзбалиқ?*) каби жой номлари бўлиб, бизнингча, уларнинг илк қисми туркий ранглар, кейингиси *balnq* – “шаҳар” билан боғлиқ бўлиши керак.

Кўпроқ Шарқий Туркистон, Мўғулистон ҳудудларида ёйилган ҳамда бугунгача шу ерларда сақланиб қолган *balnq* атамаси[1] Ўрта Осиё ҳудудидан эроний *kənt* сўзининг ўзлашмаси туфайли анча илгари сиқиб чиқарилган [34: 474]. Аслида *balnq* термини қачондан ўз ўрнини *kənt*га бўшатиб берганини аниқлаш қийин ва умуман, *balnq* ва *kənt* топоформантларининг тарқалиш ареалини ўрганишнинг ўзи алоҳида изланишларни талаб қилади. “Шаҳар”, “қишлоқ” маъноларини англатган суғдча *-keu*/*-kath* топоформанти ўрганилаётган даврда минтақа жой номлари учун суғдий ва туркий аҳоли орасида бирдек кенг муомалада бўлган [12]. Хусусан, Тошкент воҳаси, Жанубий Қозоғистон ва Еттисувдаги жой номлари кўпроқ *kənt* термини билан ясалгани ушбу шаҳар ва манзилгоҳларга суғд савдогарларининг атайлаб асос солишгани билан боғланади [19: 88, 105, 208]. Араблар босқинидан сўнг *-kau* топоформанти *-кəнд*/*-kent* билан алмашгани аҳолининг туркийлашиши, қисман форсийлашиши билан боғлиқ ва бугунги Эронда унга туркий сўз деб қаралади [19: 107, 110]. Шунинг учун, Кошғарий *“кенд – шаҳар. Бундан олиниб, Кошғарни Ўрдукенд – хон турадиган шаҳар, марказ маъносида қўлланади. Чунки бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун Афросиёб шу ерда турар эди. У Қуйи Чиндир. ... Кун чиқар томондаги ҳар бир шаҳарга кəп дейдилар. Бу сўз канднинг қисқарганидир. Кенд – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида вилоятдир”* [23: 327, 329–330]. Бу даврга оид *Инчканд, Ўзканд, Бисканд, Сутканд, Тунканд, Байканд (Пойканд), Ўрдуканд, Йарканд, Манканд, Чигилканд* каби кўпгина шаҳарларнинг илк қисми туркий, кейинги қисми суғдий ёки туркийлашган *кент*/*канд*/*қанд* топоформантидан ясалган.

Демак, турклар суғдийлардан *kənt* сўзини олишгани билан уларда “атрофи тупроқ девор билан ўралган ҳар қандай шаҳар”ни билдирган *balnq* термини ҳам йўқолиб кетмаган ва Амударё – Сирдарё оралиғида *balnq* сўзидан ясалган жой номлари ҳам учрайди. Кейинроқ *balnq* сўзи хазар туркларида *baluq*, *baluг*, классик мўғул тилида эса *balғasun* деб юритилган [36: 72–74; 49: 97]. Шунингдек, илк ўрта асрларда бир вақтнинг ўзида бирор географик жой номи ўша ерда яшаган этносларнинг турли-туманлигидан келиб чиқиб, ҳар хил аталган ёки калька қилинган[2]. Масалан, суғдча *Шавғар*, туркча *Қорачуқ* “Қора тоғ”ни, туркча *Сайрам*/*Сарйам*, суғдча

[1] Бугунги туркий тиллар орасида фақат сариқ уйғурлар тилидагина “(хом ғиштдан қилинган) девор, шаҳар атрофи” маъносида *палуқ*/*палық* сўзи сақланиб қолган [34: 474, 451].

[2] Топонимикада *калька* деб номлари ҳар хил, лекин мазмуни бир хил бўлган жой номлари тушунилади. Бундай жой номларининг шакли ва айтилиши ўзгаргани билан маъноси бутунлай сақланиб қолади [29: 121].

Исфижоб “Оқ сув”ни, туркча *Бинг-йул*, хитойча *Цянь-цюань*, суғдча *Азар-хах* “Минг-булоқ”ни, туркча *Беш-балиқ*, суғдча *Панжикент*, хитойча *Бэйтин* “Беш-шаҳар”ни англатган.

Илк ўрта асрларда хитойча - *чэн*/*-чжен*, суғдча - *кат*/*-канд*, паҳлавийча - *шаҳр*, туркча - *балиқ*, юнонча - *полис* терминлари ҳар қандай девор билан ўралган шаҳар ёки манзилгоҳ, қишлоқни билдирган. Шунинг учун, ўша давр ёзма манбалари, хусусан, турк битиктошларида бирорта шаҳарга қарата *balnq* терминининг қўлланилиши унинг тўғридан-тўғри туркларга тегишли эканини билдирмайди[1]. Битиктошни ёзган битикчи ўша давр туркий муҳитидан келиб чиқиб, худди хитойча *чэн* ёки суғдча *кат* сингари туркча *balnq* сўзини ўз шаҳарларидан бошқа ҳар қандай шаҳарга қарата ҳам ишлатган.

Хунлардан то мўғулларгача бўлган Евросиёнинг барча давлатларида чегара чизиқларида мудофаа қўрғонлари бўлган [37: 67; 18: 117–140]. Марказий Қозоғистондан топилган шаҳар харобасининг мудофаа деворлари хом ғишт, чим ва қамиш боғламасидан қурилган бўлиб, девор мустаҳкамлиги учун ғиштнинг орасига бўйига узун қамишлар ўрами ҳам қўйилган. Манзилгоҳ ичида чорвадорларнинг чодир уйларини тикишга мўлжалланган очиқ майдон қолдирилган [21: 46; 1: 47]. Аркаим (Челябинск), Шагонар–3 (Тува), Мағи қўрғон (Мўғулистон), Бўзўқ (Остона), Жабғукат (Тошкент) каби бундай мудофаа иншоотларида маданий қатлам кам ёки деярли учрамайди, улар фақат жанг вақтларида захира омбори ва мудофаа жойлари вазифасини ўтаган [37: 67]. Одатда атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган, бир нечта дарвозадан иборат, марказида арк, унинг атрофида эса қўшиннинг юрталари жойлашган қўрғонлар ҳарбий мақсадлар учун, уруш вақтида атрофдаги чорвадорларнинг яшириниши учун ҳамда вазият талаб қилганида маълум вақт олий ҳукмдорнинг қароргоҳи учун хизмат қилган [17: 145–147; 3: 89; 37: 62–73].

Бундай ҳарбий қароргоҳлар эски турк тилида *qorғan, turuғ* ёки *tura, toy, unt* каби номларда юритилган [8: 92, 458, 587, 588]. Хусусан, “қўриқламоқ; (девор билан) ўрамоқ” маъносидаги *qorn*/*qorға* ёки “тартибга келтирмоқ” ва “қурмоқ, тикламоқ” маъносидаги *qur* феълига – *ған*/*–an* аффиксининг қўшилишидан шаклланган *qorғan* термини “ҳарбий қароргоҳ”, “қўрғон” ва “шаҳар”ни англатган [8: 458; 34: 504; 16: 35]. Битиктошларда *Магі qorғan* шаклида [8: 335], бугунгача *Оққўрғон*, *Каттақўрғон*, *Тўрақўрғон* каби жой номларида сақланиб қолган.

[1] *Мас*., битиктошларда *Шантун балиқ* тўғрисида сўз борганида, Хитойдаги Шандун шаҳри кўзда тутилган.

Turuғ – “тоғдаги яширинадиган турар-жой, манзил” ёки *tura* – “мустаҳкам турар-жой, қўрғон”, “шаҳар”, “қишлоқ”ни англатган топоформантлар ҳам эски туркларда кўп учрайди [8: 587–588; 29: 83; 9: 98; 31: 296–301; 34: 452]. Жумладан, Ғарбий Сибирнинг барча туркий тилли халқлари учун “шаҳар” маъносидаги *tura* термини бугунги хакас тилида сақланиб қолган. Бунга номлари руслашиб кетган аслида хакасча *Aba-tura* (Кузнецк), *Tom-tura* (Томск), *Xyzyluar-tura* (Красноярск), *Ayrat-tura* (1949 йилгача Тоғли Олтойнинг номи) бир қатор шаҳарлар мисол бўлади [18: 82; 35: 51; 34: 452]. Олимлар *Турор* (Ўтрор), *Turaq* (Turax, Tirak) каби шаҳар номларини *turuғ*/*tura* билан боғлашади [11: 65–66][1]. Луғатларда “манзилгоҳ”, “ҳукмдор қароргоҳи” ва “шаҳар” тарзида изоҳланган *toy* сўзи ҳам худди *balnq* сингари “лой, тупроқ”дан келиб чиқиб, “тупроқ” ва “қароргоҳ; шаҳар”ни билдирувчи семантик ўхшашликка эга [16: 34]. Кошғарий “ҳарбий лагер” деб тушунтириб, *хон тўй* – “хоқоннинг лагери. Ўғузлар буни билишмайди”, деб қўшимча қилган. Яқингача Тошкент вилоятидаги Тўйтепа тумани номида туркий *toy* топоформантини кўриш мумкин[2].

“Девон”да *uluє* термини чигилчада “қишлоқ”ни билдирган, Боласоғун ва уларнинг юқори ёнидаги арғуларча “шаҳар” демакдир. Шунинг учун Боласоғунни Қуз улуш ҳам дейдилар [23: 94]. Бу термин эски турк битиктошларида, эски уйғур ёзувларида ва Қорахонийлар даври манбалари (“Қутадғу билиг” ва “Девон луғат ат-турк”)да учрайди. Аслида *uluє* термини “мамлакат”, “давлат”ни англатиш билан бирга Турк хоқонлиги давриданоқ “шаҳар”га қарата ҳам қўлланилганини Кул-тегин битиктошида *Buqaraq uluє* – “Бухоро шаҳри” тарзидаги жумла тасдиқлайди [50: 241]. Кейинроқ бу сўз мўғул тилига ўтиб, ундан яна туркий тилларга маъмурий бирликни ифодаловчи *улус* тарзида ўзлашган [34: 474].

Шундай қилиб, эски туркларда деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик маданияти билан бирга [48; 13; 14] шаҳарчилик маданияти ҳам бўлганини бошқа манбалар қатори юқоридаги кўплаб терминлар ҳам тасдиқлайди. Борди-ю, турклар шаҳар қуришмаганида эди, шаҳарчиликка оид терминларни суғдийлар ёки хитойликлардан олган бўларди. Тўғри, шаҳарчилик билан боғлиқ айрим сўзлар (*-kau*/*-kath*)ни турклар суғдийлардан ўзлаштирган, бироқ Турк хоқонлигида *-kau* сўзи “шаҳар”, “қишлоқ” маъносида *balnғ, ordu, uluє* каби соф туркча топоформантлар билан бирга қўлланилган. Бу эса Қорахонийлар давридан олдин туркий халқларнинг ушбу сўзлардан тенг фойдаланганини кўрсатади. Чунки Қорахонийлар даври ёзма манбаларида *balnғ, ordu, -kand*/*-kat, uluє* терминлари бир

[1] Қашқадарёда Ўтрор номли топоним бугунгача сақланиб қолган.

[2] Афсуски, Тўйтепа шаҳрининг эски номи Нурафшон деб ўзгартирилди.

вақтнинг ўзида учрайди. Хусусан, Турфон матнларида *kənt tegrəki bodunuг ųlьrgəli alqnp muna amtn balnq iuiŋd kirgəli turur* тарзида берилган бўлса, “Қутадғу билиг”да *qayu kend, uluє, ordu, qarљulug, ordu, karљn, yer-e...* – “ҳар бир шаҳар, мамлакат, пойтахт, сарой ва жой” жумласи тилга олинган [8: 586; 41: 203].

Хуллас, эски турклар “шаҳар” тушунчаси остида ўз тилларидаги *balnq* – “атрофи тупроқ девор билан ўралган шаҳар”ни тушунишган. Битиктошларда *Тоғу-балиқ, Шандун-балиқ, Беш-балиқ* тарзида ва тибетча манбада *paleg* (*balnq*) шаклида учраши унинг хоқонлик даврида “шаҳар”ни англатувчи ўзгармас тушунча бўлганини ҳамда турклар ўз шаҳарларидан бошқа ҳар қандай шаҳарга ҳам *balnq* атамасини қўллашганини кўрсатади. Эски турк тилида *balnq, kerman, tura, toy*/*ton, qoriгan, uluъ* каби “шаҳар”, “манзилгоҳ”, “қишлоқ”, “қўрғон” маъноларини билдирган соф туркий атамаларнинг борлиги эски туркларнинг ўз шаҳарлари бўлганини кўрсатувчи энг ишончли далиллардан биридир. Ушбу атамаларнинг кўпчилиги “лой, тупроқ” билан боғлиқ экани туркий халқларда эскидан доимий (стационар) ва кўчма (мобил) манзилгоҳлар бўлганини билдиради. Юқорида кўриб ўтилган шаҳарчилик билан боғлиқ соф туркий атамалар, ёзма манбалар ва археологик материаллардаги маълумотлар асосида жаҳон фанида устувор бўлиб келаётган туркий халқларнинг эскидан кўчманчи чорвадор бўлгани ва фақат Қорахонийлар даврига келиб ўтроқлаша бошлагани тўғрисидаги хулосаларнинг бир ёқлама эканини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Агаджанов А.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX – XIII вв. Ашхабад, 1969.
2. Бабаяров Г., Кубатин А. Древнетюркские топонимы Чачского (Ташкентского оазиса) // Историко-культурное наследие и современная культура. Астана, 2016. С. 168–182.
3. Байпаков К.М. Городище типа “торткуль” // Археологические памятники Казахстана. Алма-Ата, 1978. С. 80–96.
4. Байтанаев Б. Древний Испиджаб. Шымкент–Алматы, 2003.
5. Баскаков Н.А. Тюркская лексика в “Слове о полку Игореве”. Москва, 1985.
6. Беруни, Абу Райхан. Канон Мас`уда // Избранные произведения, V. Часть первая. / Перевод и примечания Б.А. Розенфельда и А. Ахмедова, Ташкент, 1973.
7. Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. Москва, 1962.

8. Древнетюркский словарь / Под ред. В.М. Наделяева, Д.М. Насилова, Э.Р. Тенишева, А.М. Щербака. Ленинград, 1969.

9. Дыбо А.В. Лингвистические контакты ранних тюрков: лексический фонд: пратюркский период. Москва, 2007.

10. Камолиддин Ш. С. О градостроительной культуре у древних тюрок // Урбанизация и номадизм в Центральной Евразии: истории и проблемы. Материалы международной конференции. Алматы, 2005. С. 354–373.

11. Камолиддин Ш. С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. Ташкент, 2006.

12. Камолиддин Ш. С. Культура оседлых тюрков Средней Азии. Ташкент, 2007//http://www.eurasica.ru/articles/uzbeks/shskamoliddin_kultura_osedlyh_tyurkov_sredney azii/

13. Камолиддин Ш. С. Земледелие и садоводство у древних тюрков. Saarbrьcken, 2016.

14. Камолиддин Ш. С. Металлургия и ремесленное производство у древних тюрков. В 2-х томах. Ташкент, 2016.

15. Кубатин А. Градостроительная терминология у древних тюрок // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Милий университети Археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуман маърузалари тўплами. Тошкент, 2010. Б. 87–89.

16. Кызласов И. Л. Алтаистика и археология. Москва, 2011.

17. Кызласов Л. Р. История Южной Сибири в средние века. Москва, 1984.

18. Кызласов Л. Р. Городская цивилизация Срединной и Северной Азии. Москва, 2006.

19. Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. … канд. фил. наук. Санкт–Петербург, 2004.

20. Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989.

21. Маргулан А. Х. Из истории городов и строительного искусства древнего Казахстана. Алма-Ата, 1950.

22. Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-Турк / Пер. А.М. Ауэзовой, индексы Р. Эрмерса. Алматы, 2005.

23. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону-луғат ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 1-том. Тошкент, 1960.

24. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону-луғат ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3-том. Тошкент, 1963.

25. Мелиоранский П.М. Заимствованные восточные слова в русской письменности домонгольского времени // ИОРЯС, 1905. Т.Х. Кн. 4. С. 66-92.

26. Менгес К. Г. Восточные элементы в “Слове о полку Игореве”. Ленинград, 1979.

27. Молчанова О. М. Топонимический словарь Горного Алтая. Горно-Алтайск, 1979.

28. Мурзаев Э. М. Избранная тюркская географическая лексика // Ономастика Востока. Москва, 1980. С. 72–88.

29. Мурзаев Э. География в названиях. Москва, 1982.

30. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на букву “Б”. Москва, 1978.

31. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на “Г”, “Д”. Москва, 1980.

32. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва, 1962.

33. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика. Т. IV. Москва, 2001.

34. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык основа. Т.VI. Москва, 2006.

35. Субракова О. В. Хакасско-русский словарь. Новосибирск, 2006.

36. Толстов С. П. Города гузов // Советская этнография, № 3. Москва, 1947. С. 52–105.

37. Худяков Ю. С. Древние и средневековые фортификационные сооружения в Южной Сибири и Центральной Азии // Военное дело и средневековая археология Центральной Азии. Кемерово, 1995. С. 62–73.

38. Шипова Е.Н. Словарь тюркизмов в русском языке. Алма-Ата, 1976.

39. Bacot J. Reconnaissance en Haute Asie septentrionelle par cinq envoyes ouigours au VIIe siucle // Journal Asiatique. Paris, 1956. T. CCXLIV. P. 137–153.

40. Beal S. The life of Hiuan Tsiang. New Delhi, 1990.

41. Clauson G. Etymological dictionary of pre-Thirteenth century Turkish. Oxford, 1972.

42. Czegledy K. A Rezvaros [Copper City] // Antik Tanulmanyok, № 7. 1960. P. 211–216.

43. Esin E. Islamiyetten цnceki Tьrk kьltьr tвrohi ve Эslвma Giriє. Istanbul, 1978.

44. Esin E. Baliq and ordu // Central Asiatic Journal, № 27, Wiesbaden, 1983. P. 168–208.

45. Эslвm Ansiklopedisi. Cilt 5. Эstanbul, 1992.

46. Kцymen M. A. Alp Arslan ZamanэTьrk Evi // Selзuklu Araєtэrmalarэ Dergisi, № 3. 1971. S. 1–14.

47. Marquart J. Згвnљahr nach der Geographie des Ps. Moses Xorenac‘i. – Berlin, 1901.

48. Цgel B. Tьrk Kьltьr Tarihine Giriє. Cilt II. Tьrklerde Ziraat Kьltьrь. Gцktьrklerden Osmanlэlara. Ankara, 1978.

49. Sinor D. The origin of Turkic Baliq “town” // Central Asiatic Journal, № 25. Wiesbaden, 1981. P. 95–102.

50. User Ю.H. Kцktьrk ve Цtьken Uygur Kapanlэрэ Yazэtlarэ. Sцz Varlэрэ Эncelemesi. 1. Baskэ. Konya, 2009.

М. Хатамова

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғат ат-турк” асарида шаҳар ва манзилгоҳларга доир айрим терминлар

Мақолада туркий халқларнинг муайян қисми қадимги ва илк ўрта асрларданоқ деҳқончилик, боғдорчилик ва турли ҳунармандчиликнинг турли соҳалари билан шуғулланиб, ўтроқ турмуш тарзи кечиришгани, қолаверса, бой шаҳарчилик маданиятига эга бўлишгани масаласи кўрилган. Қадимги турк тилида *balnq*, *kerman*, *tura*, *toy* / *ton*, *qoriғan, uluљ* каби “шаҳар”, “манзилгоҳ”, “қишлоқ”, “кўрғон” маъноларини билдирган соф туркий атамаларнинг борлиги қадимги турклар ва Турк хоқонлигининг ўз шаҳарлари бўлганини кўрсатувчи энг ишончли далиллардан биридир. Ушбу атамаларнинг кўпчилиги “лой, тупроқ” билан боғлиқ экани туркий халқларнинг доимий (стационар) ва кўчма (мобил) манзилгоҳлари бўлганини билдиради.

Калит сўзлар. *Маҳмуд Кошғарий, “Девон луғат ат-турк”, қадимги турклар, Турк хоқонлиги, шаҳарчилик, baliq.*

М. Хатамова

Некоторые термины о городах и поселениях в произведении Махмуда Кашгари “Диван лугат ат-турк”

В статье рассматривается вопрос о том, что часть тюркоязычных народов еще в эпоху древности и раннего средневековья, которые вели оседлый образ жизни, занимаясь земледелием, садоводством и различными видами ремесленного производства, также имели свою богатую градостроительную культуру. Одним из наиболее достоверных доказательств существования городов у древних тюрков и Тюркского каганата, является наличие исконно тюркских терминов *balnq*, *kerman*, *tura*, *toy* / *ton, qoriғan, uluљ*, обозначающих такие понятия, как “город”, “поселение”, “село”, “крепость”. Поскольку большая часть терминов

связана с “глиной, землёй”, это означает, что у древних тюрков имелись постоянные (стационарные) и кочевые (мобильные) поселения.

Ключевые слова. *Махмуд Кашгари, “Диван лугат ат-турк”, древние тюрки, Тюркский каганат, градостроительство, baliq.*

M. Khatamova

Some terms about towns and settlements in the work Makhmud Kashghari “Divan lughat at-turk”

In the article, a part of the Turkic peoples is considered in the era of antiquity and the early Middle Ages to lead a settled way of life, engaging in agriculture, gardening and various kinds of handicraft production, and also had its own rich urban culture. One of the most reliable proofs of the existence of towns among ancient Turks and the Turkic khaghanate is the existence of the originally Turkic terms *balnq*, *kerman*, *tura*, *toy* / *ton*, *qoriғan*, *uluљ*, denoting such concepts as “town”, “settlement”, “village”, “fortress”. Since most of the terms are related to “clay, land”, this means that the ancient Turks had permanent (stationary) and nomadic (mobile) settlements.

Key words: *Makhmud Kashghari, “Divan lughat at-turk”, ancient Turks, Turkic Khaghanate, urban culture, baliq.*

Г. Султонова

Расмий ҳужжатларда Бухоро ва Хива муносабатларининг акс этиши: талқин ва таҳлил[1]

Сўнгги ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида стратегик аҳамиятга эга бўлган Моваруннаҳр ва Хоразм бошқаруви гарчи бир сулола вакиллари томонидан қўлга олинган бўлса-да, у ердаги ҳокимият тизгинини тутган маҳаллий кучларнинг истак ва хоҳиши, сулола вакиллари ўртасидаги ўзаро тахт учун кураш ҳамда минтақада якка ҳукмронликни ўрнатиш мақсади аксарият ҳолларда давлатлараро зиддиятнинг асосий сабаби бўлган.

[1] Ушбу мақола “Türkiye Bilimsel ve Teknolojik Araştırma Kurumu” (TÜBİTAK – Туркиянинг илмий ва технологик тадқиқотлар кенгаши) томонидан қўллаб-қувватланган “Дипломатик хатларда тижорат масаласи: умумий қоидалар ва келишувлар” мавзусидаги лойиҳа доирасида тайёрланган.